




# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси  
МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ



ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЮНЕСКО ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР “ОЛИМА” АЁЛЛАР УЮШМАСИ  
TADQIQOT.UZ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР ПОРТАЛИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси  
(Тошкент, 2-3 март 2023 йил)  
**МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ**





**Хакимова Мухаббат Файзиевна**

ТДИУ “Инновацион таълим” кафедрасининг мудири,  
педагогика фанлари доктори, профессор.  
mfhakimova1962@mail.ru

**Мусаханова Гулнора Мавляновна**

ТДИУ “Инновацион таълим” кафедраси в.б.доценти,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD).  
E-mail: gulnaramusahanova02@gmail.com

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОИЛАДАГИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УНДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф томонидан бугунги кунда ўзбек аёллари олдида қўйилаётган катта маъсулиятлар, глобаллашув шароитида мафкуравий таҳдидлар қарши курашни аввало оиладаги маънавий тарбияни мустаҳкамлаш орқали шакллантириш ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** маънавият, глобаллашув, тарбия, аёллар, ёш авлод, оила, она.

### АННОТАЦИЯ

В этой статье автор пишет о больших обязанностях, которые сегодня стоят перед узбекскими женщинами, и описывает, как бороться с идеологическими угрозами в условиях глобализации, прежде всего, путем усиления духовного воспитания в семье.

**Ключевые слова:** духовность, глобализация, образование, женщины, молодое поколение, семья, мать.

### ANNOTATION

There are the author writes about the great responsibilities that uzbek women face today in this article and describes how to fight against ideological threats in the context of globalization, first of all, by strengthening spiritual education in the family.

**Key words:** spirituality, globalization, education, women, young generation, family, mother.

Бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил — инсон омили экани, тарихни доҳийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши, ҳар қайси униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўз ота-боболари анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор ҳисси билан яшаши, тарихий хотира ва авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусининг узвий боғлиқлиги, мамлакатимизда 2023 йилни **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** деб эълон қилиниши ҳам инсон омилига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси эканлиги ҳаммамизга сир эмас.

“Аёл”, “Она” тушунчалари ҳақида фикр юритар эканмиз бевосита Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг фикр – мулоҳазаларини айтиб ўтмоқчимиз: “Ер юзида сўз ва соз санъати, шоиру ҳофиз, рассом ва ҳайкалтарош пайдо бўлибдики, она ва аёл зоти юксак пардаларда тараннум этиб келинади. Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, **“Оламда аёл мадҳига дoston тугамайди”**. Чунки, аёл сиймоси Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлиб келган ва ҳамиша шундай бўлиб қолади” [1].

Маънавий тарбия инсонлар ҳаётида ҳамиша бош мавзу бўлиб келган. Зеро, маънавиятсиз инсон бўлмайди. Баъзи бир инсоннинг маънавияти юксакроқ, баъзисиники эса, заифроқ бўлади, холос. Яъни ҳар бир шахс, ҳар бир оила, жамоа ва ҳатто касб эгасининг ўзига хос шаклланган маънавияти бўлади. Маънавият - инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий, руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир.



Бугунги кунда ўзбек аёллари олдида катта маъсулият қўйилмоқда. Жамият ишларида фаоллик, оила, фарзандлар тарбиясидек маъсулиятли вазифаларни тенг олиб бораётган аёлларимиздан фахрлансак арзиди.

Ҳар бир ўзбек хонадони ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари мавжуд бўлиб, ота-боболар ва момолардан мерос қолган маънавий кадриятлар, урф-одатлар замирида таркиб топган оиладаги маънавий тарбиянинг асосига суянилади. Бу эса шу оиланинг бекажонлари - аёлларимизга қаратилган вазифалардан биридир. Оиладаги ўзаро ҳурмат, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этишга маъсулият билан ёндошувлари, бир-бирларига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатишлари оиладаги маънавий тарбиянинг мустаҳкамлигидан далолат беради.

Ўзбек аёлларининг деярли барчаси ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, фарзандларининг, қариндош-уруғлари ва яқинларининг, қўшниларнинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса, энг олий даражада маънавий кадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

Ҳар бир халқнинг урф-одати, кадриятлари мавжудки, ана шу халқнинг маънавий омили бўлиб хизмат қилади. Жумладан, ўзининг бой тарихига эга бўлган халқимизнинг ҳам ўзига хос урф-одати, кадриятлари миллий менталитети доирасида шаклланган бўлиб, асрлар давомида маънавий кадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келади. Буни биз оилада мавжуд бўлган тарбиявий кўринишларда кузатишимиз мумкин. Бу бугунги кунда ҳам ўзининг янгича кўринишларида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жинойтчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий кадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда қутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда” [2].

Бизнингча, бугунги кунда глобаллашуви шароитида ёшларимизнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган энг асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, баъзи ёшлар ўзининг билим олиш ва ҳаётга муносабатини белгилашда ота-она, устоз-мураббийни эмас, ОАВ ҳамда интернетни авторитет сифатида эътироф этиши, улардаги ахборот ва маълумотларни мутлақ чин деб ишониши ташвишланарли ҳолдир.

Иккинчидан, Ғарб маданиятига тааллуқли баъзи кўрсатув ва сайтлар борки, улар мутлақо ахлоққа зиддир. Бундай ахборот ёшларимиз хулқи ва дунёқарашига салбий таъсир қилиши аниқ.

Учинчидан, бирон бир хорижий мамлакатнинг турмуш тарзи, кадриятлар тизимини улуғловчи рисоалар, кинофильмлар, ахборотлар тарқалиши. Табиийки, бундай жамиятда маълум ижтимоий фикр шаклланишига таъсир этмай қолмайди.

Бизнингча, юқоридаги муаммоларни ечимини топишда, глобаллашув шароитида ёшларимизнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган энг асосий муаммоларни ечимини топишда мафкуравий таҳдидлар қарши курашни аввало оиладаги маънавий тарбияни мустаҳкамлаш яхши натижа беради. Чунки, тарбиянинг асоси оила муҳитидир. Бола уйда нимани кўrsa, шунга тақлид қилиб ўсади. Ёшларимизда оммавий маданият хуружларига қарши маънавий иммунитетни шакллантиришда оила мафкураси, ундаги маънавий муҳит муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, оиланинг муқаддаслиги, ота-она ва фарзанднинг бурчи, тежамкорлик, сабр-қаноат, ўзаро муомала маданияти, уй тутиш, меҳнат тарбиясига ҳам кўпроқ аҳамият бериш бугунги кун замонавий аёлининг асосий вазифасидир.



Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ўзбегимнинг замонавий аёллари учун оиладаги маънавий тарбия, глобаллашув шароитида ёшларимизнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган энг асосий муаммоларни ечимини топишда фарзандларга эътибор, уларнинг камолоти ва жамиятимизга керакли шахс қилиб тарбиялаш борасидаги вазифаларга маъсулият билан қарашлари энг устувор вазифа эканлигини ҳар бир ўзбек аёли унутмаслиги зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи, 2021 йил 8 март.

[2]. Ш.Мирзиёев. “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” №ПҚ-3160 сонли қарори. 2017 йил 28 июль.

[3]. Ҳакимова М., Мусаханова Г. 2019. Касбий педагогика. Т. ТДИУ, 306 б.

[4]. Мусаханова Г. М. Талабаларнинг мустақил таълим жараёнидаги ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришнинг амалиётдаги аҳволи: Мусаханова Гулнора Мавляновна, Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчи // Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2021. – №. 6. – С. 275-279

[5]. Musakhanova G. Design and research method as an innovative approach aimed at the development of organizational abilities of students in the process of independent work // Current research journal of pedagogics. – 2021. – Т. 2. – №. 09. – С. 110-115.

[6]. Мусаханова Г. М. “Кейс-стади” технологияси талабаларнинг мустақил таълим жараёнида ташкилотчилик қобилиятини ривожлантирувчи инновацион метод сифатида // Архив научных исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 1.

**Мусаханова Гулнора Мавляновна,**

ТДИУ “Инновацион таълим” кафедраси в.б.доценти,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD).

E-mail: gulnaramusahanova02@gmail.com

**Қобилжонова Муслима Одилжон қизи**

ТДИУ “Рақамли иқтисодиёт” факультети РТЕ-62 гуруҳ талабаси.

E-mail: qobiljonovamuslima005@gmail.com

## **ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ РОЛИ**

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада муаллифлар томонидан бугунги кунда глобаллашув шароитида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, ишлаб чиқаришдаги салмоғи, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, тарбия, аёллар, хотин-қизлар, оила, инсоният, ислоҳот.

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье авторы рассмотрели роль женщин в обществе, их значение в производстве, их права и свободы в условиях современной глобализации.

**Ключевые слова:** глобализация, образование, женщины, семья, человечество, реформа.





10. Мухидова Г.Ю. BOLALARDA TAFAKKURNING RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI.....196
11. Ахматова Д. Д, Бектемирова З.О. *Илмий рахбар*: доцент Нишантаев М.К ГЕЛМИНТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА СУПРАМОЛЕКУЛЯР БИРИКМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....200
12. Пардаева З., Жумабоева Р. Ражабова И.Х Умарова С.М. ATROF – OLAM BILAN TANISHTIRISH MASHG’ULOTLARIDA MAKTABGACHA YOSH DAGI BOLALARDA OILAGA NISBATAN MUNOSABATNI SHAKLLANTIRISH.....203
13. Рахимова С МАКТАБГACHA TA’LIM TASHKILOTIDA RIVOJLANISH MARKAZLARINI SAMARALI TASHKIL ETISH BO’YICHA METODIK TAVSIYALAR.....205
14. Рахмонова Г.Ш О’ЗBEKISTONDA XOTIN-QIZLARNI HAR TOMONLAMA QO’LLAB-QUVVATLASH VA ULARNING JAMIYATDAGI FAOL ISHTIROKI.....208
15. Рахмонова Г. Ш. Идиева М. AYOLNING OILADA VA JAMIYATDAGI O’RNI.....210
16. Шарипова М.Б. Рамазонова Ф.У AYOLLARNING OILA VA JAMIYATDAGI MAVQEYINI YUKSALTIRISH HAMDA MA’NAVIY-RUHIY DUNIYOSINI BOYITISHDA QAHRAMONLIK EPOSINING O’RNI.....212
17. Шомуродова С. Болтаева Н. МАКТАБГACHA TA’LIM TASHKILOTIDA RIVOJLANISH MARKAZLARIDA TA’LIM TARBIYA FAOLIYATINI TASHKIL ETISH.....215
18. 19 Хакимова М. Файзиёв У. Мусаханова Г.М. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОИЛАДАГИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ МУСТАХҚАМЛАШ ВА УНДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ.....218
19. Мусаханова Г. М., Қобилжонова М. О. ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАЁТДАГИ РОЛИ.....220
20. Яхшиева М.Т. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ.....223

#### **V-ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ**

1. Анорбоева С.А. JAMIYATIMIZDAGI GENDER TENGLIK: AYOLLAR HUQUQ VA ERKINLIK LARI.....227
2. Рахмонбердиева Н. Б., ЎЗБЕКИСТОН ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ТАРИХИДА ТАМАРАХОНИМ ВА УНИНГ УЙ-МУЗЕЙИ АҲАМИЯТИ.....230
3. Ибрагимова Г. KX DIRECTIONS FOR FORMING THE CULTURE OF COMMUNICATION IN IMPROVING THE QUALITIES OF PROFESSIONAL COMPETENCE.....234
4. Қўйлиев Т, Рахмонбердиева Н, ЯНГИ ЖАМИЯТДА БАХТ ТОПГАН АЁЛ.....238
5. Элмуратова Ш. РОЛЬ ТАМАРАХОНИМ И ЕЕ ДОМА-МУЗЕЯ В ИСТОРИИ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ.....241
6. Элмуратова Шохиста Аблакуловна, ROLE OF TAMARAKHANIM AND ITS HOUSE-MUSEUM IN THE HISTORY OF GENDER EQUALITY IN UZBEKISTAN.....245
7. Акбарова С. Ш, Азизова М. ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ - ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИДИР.....248
8. Файзуллаева Н. ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....252
9. Абдурахмонов Х.И. Дадакулов Э. Т. ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ.....254
10. Очилов Н.Ў. Очилова М.Ў. Тўлкинова А.М. GENDER TENGLIGI: AYOLLARNING HUQUQ VA IMKONIYATLARINI KENGA YTIRISH.....258